

The development of prefabricated construction with mass factory production of building structures and parts largely depends on the degree of typification and unification of buildings

and structures. The widespread use of standard designs of unified products and structures allows you to dramatically increase the degree of precast construction in construction production.

List of used literature

1. Черняк В.З. Экономика и управление на предприятиях (строительство): учебник / В.З.Черняк. - М.: КНОРУС, 2009
2. Экономика строительства: [учеб.-практ. пособие] / И.Б. Ефименко. - М.: ГроссМедиа: РОСБУХ, 2008
3. Экономика строительства: в 2-х ч./Под ред. Ю. Н. Казанского, Ю. П. Панибратова. СПб: СПбГАСУ, 2003—2004.
4. Акимов В.В., Макарова Т.Н., Мерзляков В.Ф., Огай К.А. Экономика отрасли (строительство): Учебник. - М.: ИНФРА-М, 2009
5. W3.unece.org - Доля строительства в ВВП
6. www.ria.ru - РИА Новости. 20.07.2020г.
7. The table was created by the author based on the data - www.ria.ru РИА Новости. 20.07.2020
8. w3.unece.org - Share of construction in GDP

**Мухтаров Махмуджон Мариевич -
Андижон машинасозлик институти
"Саноат ишлаб чиқаришини ташкил этиш"
кафедраси катта ўқитувчи**

САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ ВА УНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада саноат корхоналарида иқтисодий самараадорликни ошириш мезонлари, бугунги кундаги мавжуд ҳолати, шунингдек ишлаб чиқариши натижаларига таъсир омиллари ўрганилган. Муаллиф мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, корхоналарнинг иқтисодий натижаларини яхшилаш ва иқтисодий самараадорликни ошириш бўйича мулоҳазалар юритади.

Калилти сўзлар: саноат, корхона, самараадорлик, ишлаб чиқариш, баҳолаш, фонд қайтими, капитал қайтими, рентабеллик, модернизация, иқтисодиёт.

ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ И КРИТЕРИИ ЕЕ ОЦЕНКИ

Аннотация: В статье исследуются критерии повышения экономической эффективности промышленных предприятий, текущая ситуация, а также факторы, влияющие на результаты производства. Автор рассматривает развитие экономики страны, улучшение экономических показателей предприятий и повышение экономической эффективности.

Ключевые слова: промышленность, предприятие, эффективность, производство, оценка, доходность акций, возврат капитала, рентабельность, модернизация, экономика.

ECONOMIC EFFICIENCY OF INDUSTRIAL COMPANIES AND CRITERIA FOR ITS EVALUATION

Abstract: The article examines the criteria for increasing the economic efficiency of industrial enterprises, the current situation, as well as factors influencing the results of production. The author examines the development of the country's economy, improving the economic performance of enterprises and increasing economic efficiency.

Keywords: Industry, company, efficiency, production, valuation, stock return, capital return, profitability, modernization, economy.

Давлатни энг устувор ва муҳим соҳаси ҳисобланган саноат соҳасини ривожлантириш асосий вазифамиз десак муболаға бўлмайди. Чунки, саноат шундай тармоқи, барча мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий ва ташкилий интилишлари, уларнинг хўжалик жиҳатидан бирлашиши, яъни иқтисодий интеграция тавсифида ўз ифодасини топади. Натижада барча мамлакатларнинг табиий, меҳнат ва молиявий ресурсларидан, фан-техниканинг барча

ютуқларидан оқилона фойдаланиш имкониятлари юзага келади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг бош мақсади ҳам ишлаб чиқариш корхоналари самараадорлигини таъминлаш асосида халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилгандир. Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан ҳам «...иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш»[1]

муҳим вазифа сифатида белгилаб берилган. Бу борада мавжуд ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланиш, инновацион технология ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳамда бозор талаби асосида маҳсулот ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигини ошириш асосий вазифаларимиздан биридур.

Иқтисодиётни реал сектор корхоналарида аҳоли фаровонлигини таъминловчи асосий омил ҳисобланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2015 йилнинг сентябринда Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган саммитида қабул қилинган 70-сон резолюциясига мувофиқ, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 841-сонли қарорнинг 8.4-вазифаси яъни "...2030 йилнинг охиригача бўлган бутун муддат давомида истеъмол қилиш ва ишлаб чиқариш тизимларида ресурслардан фойдаланишнинг глобал самарадорлигини астасекин ошириб бориш ҳамда Истеъмол ва ишлаб чиқаришнинг оқилона моделларидан фойдаланишга ўтиш бўйича ўн йиллик ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилганидек, иқтисодий ўсиш атроф-муҳит ҳолатининг ёмонлашуви билан бирга кечмаслигига интилиш" [2] белгилаб берилган.

Бундан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш истеъмолчилар талабидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва нархини белгилаш талаб этилади. Бу омиллар самарадорликни асоси ҳисобланади.

Маълумки, ҳар бир тармоқ, корхона, қоловерса, ҳар бир шахс ўз ишлаб чиқариш фаолиятида фойда олишга интилади. Фойда ишлаб чиқариш ҳаражатларига ва корхона даромадларига боғлиқ бўлади. Фойда билан ҳаражатлар ўртасидаги фарқ ёки нисбат тармоқ ва корхона фаолиятининг самарадорлигини ифодалайди. Ишлаб чиқаришнинг энг юқори самарадорлиги ишлаб чиқариш ҳаражатларини меъёрлаштириш ва сотув ҳажмини энг мақбул ҳажмини белгилаш асосида таъминланади. Тартибли бозорга асосланган иқтисодиётда энг кам ресурс сарфлаб юқори натижага эришиш зарур. Буни кенг маънода ресурс бирлиги сарфи асосида олинган қўшимча даромадларнинг ўсиб боришини анг-

латади. Мазкур жараён технологияларнинг ўзгариши, ишчилар малакаси ортиши, самарали талабни шакллантирилиши асосида таъминланади.

Самарадорлик ижтимоий ишлаб чиқаришни бошқаришнинг барча даражаларида аниқланади ва турли мезонлар ёрдамида баҳоланади.

Саноат корхонлари ишлаб чиқариш самарадорлиги ва уни тавсифловчи кўрсаткичларни бир қатор иқтисодчи олимлар томонидан ўрганиб келинган.

Хорижий етакчи иқтисодчи олимлардан Р.С. Каплан ва Д.П. Нортон корпоратив бошқарув самарадорлигига баҳо бериб самарадорликни таъминловчи осисий омил ишчи ходимлар бўлиб, бунда бошқарув стратегияси, бошқарув вазифаларини белгиланиши, фаол етакчилик қобилятига баҳо берган.

Мазкур муаллифлар қарашларида ишлаб чиқариш самарадорлигини бир тарафла ма бошқарув самарадорлиги нуқтаи назаридан ёндашган. Бизнинг фикримизча корхонларда ишлаб чиқариш самарадорлиги тўғрисида гап борганда бир омил эмас кенг кўламда қараш лозим.

МДҲ мамлакатлари олимлари Н.С.Захаров томонидан ишлаб чиқаришни иқтисодий самарадорлигини аниқлашни назарий жиҳатлари ўрганилган бўлиб, самарадорликни капитал маблағлар самарадорлиги ва ҳаражатлар самарадорлигига алоҳида эътибор қаратган [3, с. 612].

Муаллиф томонидан ишлаб чиқариш самарадорлигини сарфланган капитал ҳисобига олинган натижа ўрганилган бўлса, бунга қўшимча равишда моддий ресурслар сарфини ўрганиш ҳам талаб этилади.

Н.Я Морозко томонидан "Иқтисодий ва технологик даражада" кўрсаткичи асосида самарадорлик ўрганилган бўлиб, бунда асосий эътибор технологик жараёнлар кетма-кетлигини корхоналарни ишлаб чиқариш самарадорлиги даражасига таъсири ва келажакдаги ўзгариш динамикалари баҳоланган. Асосий эътибор корхонанинг саноат ривожланиши даражасини баҳолашга қаратилиб, корхоналарни ривожланиш даражаси корхона фаолиятининг тижорат самарадорлиги ва уларнинг тегишли ёки бошқа таркибий элементлари ҳамда ташкилот ишлаб чиқарувчиларининг меҳнат унумдорлиги индекси, сменалик самарадорлик коэффицентлари ва рентабеллик кўрсаткичлари ўрганилган [4].

Ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаганда юқоридагилар билан қўшима қилинган харажат ҳисобига олинган даромадларни ҳам баҳолаш талаб этилади.

Е.А. Волкова умумий иқтисодий самарадорликни мутлоқ кўрсаткичларига баҳо бериб фойдани аниқ хажмини харажатларга нисбати орқали аниқлаган ва қиёсий баҳолашда иқтисодий самарани ифодаловчи кўрсаткич сифатида белгилайди. Рентабеллик кўрсаткичи асосида самарадорликни ўрганган,

$$\Delta P_p = P_{p2} - P_{p1}, \quad (1)$$

бу эрда ΔP_p - маҳсулотларнинг рентабеллик даражаси ўзгариши;

P_{p1} - асосий ҳолда маҳсулотнинг рентабеллиги;

P_{p2} - янги вариант бўйича маҳсулотнинг рентабеллиги. [5, с. 20]

М.Ф. Маҳмудов томонидан ҳудудларда саноатни ривожлантиришда ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўналиш ўранилганда ишлаб чиқариш салоҳияти ва натижаларига материал-техник, молиявий,

$$Эх(3*Э = (Зб * Аб + ΔЗ * ΔАн)Зн * Анб \quad (2)$$

Бу ерда;

Зб - янги технологияларни жорий этишдан олдинги харажатлар;

Зн - янги техникадан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари;

Аб - асосий жиҳозлардан фойдаланиб ёки янги техника жорий қилингунга қадар ишлаб чиқарилган маҳсулот (ишлар) ҳажми жорий қилиш;

Ан - янги техникадан фойдаланганда олинган қўшимча маҳсулот (ишлар);.

ΔЗ - Ўзгартирилган техникани қўлланнишда қўшимча маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатлар.

2. Янги технологиядан фойдаланишининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш, шу каби маҳсулотлар импортини қисқартириш ёки бошқа мамлакатлардан алмаштириш.

$$\text{Эимп}=(\text{Цимп}*\text{Кв}*\text{Ккр}-\text{Знх})*\text{Аимп} \quad (3)$$

Цимп етказиб берувчининг валютасида хорижий етказиб берувчи ҳисоб варақасида кўрсатилган бирликнинг тақдим этилган қиймати;

Кв- валюта курслари бюллетени асосида қабул қилинган (шартнома вақтида) хорижий валютани миллий валютага ўтказиш коэффициенти (минг сўм);

мехнат, инфратузулмавий ва инвестицион салоҳият кўрсаткичлари билан тавсифлаган ва ушбу кўрсаткичлар кетма-кетлиги натижасида баҳолаган. Бунда асосий эътибор иқтисодиётда инновацион фаол корхоналар улуши, саноат маҳсулотининг умумий ҳажмида инновацион маҳсулотнинг улуши, саноатга умумий инвестициялар ҳажмидан технологик инновацияларга харажатлар улуши, саноатга банд бўлган минг кишига тўғри келадиган тадқиқотлар ва лойиҳалашларга банд бўлган ходимлар сони ўрганилган [6, с. 17].

А.Г. Жалгасова томонидан ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолашда саноат корхоналари фаолиятида ишлаб чиқаришга сарфланган қўшимча капитал маблағлар сарфи, инвестиция омилини ўрганилган. Ишлаб чиқаришда капитал маблағлар сарфи муаллиф томонидан қўйидаги формуласалар ёрдамида натижалар баҳоланган.

1. Янги технологиялардан фойдаланган ҳолда харажатларнинг барча турларини ҳисобга олиб, иқтисодий натижани ҳисоблаш

Ккр - кредит таъсири коэффициенти. Импорт техника сотиб олиш учун банк кредитидан фойдаланишда ҳисобга олинади;

З nh - импорт маҳсулот ўрнини босадиган маҳсулот (буюм) бирлигини мамлакатда ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатлар (баҳоси), минг сўм;

А - маҳаллий маҳсулотлар билан алмаштирилган импорт қилинадиган маҳсулот миқдори, натура бирлигига [7, с. 16];

Муаллифлар томонидан ишлаб чиқариш натижаларини баҳолашда итисодий ва технологик даражаси, корхоналарнинг ривожланиши даражаси, ишлаб чиқаришнинг тижорат самарадорлиги, ишлаб чиқарувчиларининг меҳнат унумдорлиги индекси, сменалик самарадорлик коэффицентлари ва рентабеллик кўрсаткичлари ўрганилган бўлиб, самарадорликка материал-техник, молиявий, меҳнат, инфратузулмавий ва инвестицион салоҳият таъсири асосида натижаларни ўзгариши баҳоланган. Юқоридагилар билан бирга ишлаб чиқаришда инновациялар ва инвестициялар таъсири, самарали талабни ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Бизга маълумки саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида 5 турдаги ресурслар тизими ҳаракатда бўлади.

САНОАТ ИҚТИСОДИЁТИ

а) моддий ресурслар, б) меҳнат ресурслари, в) молиявий ресурслар, г) меҳнат воситалари, д) ахборот ресурслари, яъни информацион ресурслар. Ишлаб чиқариш самарадорлиги мазкур ресурслардан фойдаланиш даражасига боғлиқ.

Бундан келиб чиқсан ҳолда ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш мавжуд ресурслардан фойдаланиш жараёнида ҳар бир харажат учун олинган иқтисодий натижаларни оширишдан иборат. Шунингдек самарадорлик ижтимоий ишлаб чиқаришнинг мақсадини ҳам, унга эришиш воситаларини ҳам акс эттириши керак. Маҳсулот ишлаб чиқаришдан олдин унинг истеъмолчиларини аниқлаш зарур бўлиб, фаолият

жараёнида корхоналар аниқ талабга асослаши зарур.

Демак, самарадорлик - бу сарфланган меҳнат, капитал, материаллар, вақт, энергия, ахборот ва бошқа ресурслардан фойдаланиш асосида олинган натижавий кўрсаткичdir.

Андижон шаҳрида жойлашган “Андижон био кимё заводи” АЖ фаолиятида ҳам иқтисодий натижалар бир мунча ўзгарган бўлиб, корхона томонидан реализация қилинган маҳсулот хажми йилдан йилга ортиб борган яъни 2019 йили сотилган маҳсулот хажми 2018 йилган нисбатан 1 фоизга ортган бўлса, 2017 йилга нисбатан 31 фоизга, 2016 йилга нисбатан 54 фоизга ортганлигини кўришимиз мумкин (1-расм).



1-расм. “Андижон био кимё заводи” АЖнинг иқтисодий кўрсаткичлари ўзгариши

Манба: “Андижон био кимё заводи” АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Демак корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш хажми умумий ҳолда ортиб борган, лекин ишлаб чиқариш натижалари фақатгина маҳсулот ҳажми асосида баҳоланмайди. Бунда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи омиллар, маҳсулот бирлигига ресурслар сарфи ва соф фойда ва рентабеллик даражаси ўзгаришини ҳисобга олиш зарур.

Умумий иқтисодий самарадорлик мавжуд асосий фондлардан фойдаланиш даражасига боғлиқ бўлиб, корхонанинг фонд қайти-

ми яъни бир билик асосий восита ҳисобига олинган маҳсулот миқдори 2019 йили 3,3 сўмга тенг бўлган бўлиб, 2018 йилга нисбатан 0,3 сўмга кам бўлган бўлса, асосий воситалардан фойдаланиш рентабеллиги даражаси 2019 йили 13 фоизга тенг бўлиб бу кўрсаткич йилдан йилга яхшиланган, корхонананинг умумий рентабеллик даражаси 2016 йили юқори бўлган яъни 6,9 фоизни ташкил этган бўлиб бу кўрсаткич 2019 йилга нисбатан 83 фоизни ташкил этган (2-жадвал).

2-жадвал

“Андижон био кимё заводи” АЖнинг иқтисодий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2015	2016	2017	2018	2019	2019-йилни 2015 йилга нисбати	2019-йилни 2016 йилга нисбати	2019-йилни 2017 йилга нисбати	2019-йилни 2018 йилга нисбати
1	Фонд қайтими		2,2	2,7	3,3	3,6	3,3	146,5	120,4	98,8	91,5
2	Фонд сигими		0,4	0,4	0,3	0,3	0,3	68,3	83,0	101,2	109,3
3	Рентабеллик даражаси	%	3,1	6,9	5,4	6,0	5,3	168,2	76,3	97,4	88,0
4	Асосий воситалар рентабеллиги даражаси	%	4,0	10,6	9,9	11,9	13,0	325,9	122,4	131,0	109,6
5	Капитал қўйилмалар рентабеллиги даражаси	%	3,5	9,0	7,2	7,9	8,6	246,1	95,4	119,4	107,9

Манба: “Андижон био кимё заводи” АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдик асосий фондлардан фойдаланиш даражаси фонд қайтими кўрсаткичи бир мунча пастлаган бўлиб, бу умумий рентабеллик даражасини пастлашига ўз таъсирини кўрсатган. Бундан келиб чиқсан ҳолда саноат корхоналари самарадорлигини ошириш учун уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими бир бирлик харажатга тўғри келувчи фойда ва рентабеллик ўрсаткичларини таҳлил қилиш орқали самарадорликни оширишнинг ички имкониятларини топиш зарур.

Корхонада ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминловчи асосий омил техника ва технологиялардан фойдаланиш дражаси ҳисобланниб, мавжуд технологиялардан фойдаланиш яхшиланиши хисобига яъни модернизациялаш жараёнида Германиянинг “Шмидт” компаниясидан олинган технологиялар ҳисобига натижалар ижобий бўлган. Бунинг ҳисобига капитал қўйилмалар рентабеллиги дарожаси 2019 йили 8,6 фоизни ташкил этиб бу ўтган йилларга нисбатан бир мунча ортган (3-расм).



3-расм. “Андижон био кимё заводи” АЖнинг иқтисодий кўрсаткичлари ўзгариши

Манба: “Андижон био кимё заводи” АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Демак корхонанинг иқтисодий самарадорлигини таъминлаш учун мавжуд ишлаб чиқариш воситарапани модернизациялаш талаб этилади.

Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш учун қўйидагиларга эътибор бериш зарур.

1. Саноат корхоналарини иқтисодий натижаларини яъни сарфланган капитал маблағлар ҳисобига олинаётган даромадлар ўзгариши динамикасини баҳолаб бориш;

2. Самарадорлик кўрсаткичларининг хар бир сарфланаётган ресурслар бўйича баҳолаш;

3. Саноат корхоналари самарадорлигини ошириш учун уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими (бир бирлик харажатга тўғри келувчи фойда) рентабелликни таҳлил қилиш орқали самарадорликни оширишнинг ички имкониятларини топиш;

4. Ишлаб чиқариш фаолиятни ривожлантиришда инновация ва инвестиция омиларидан кенг кўламли фойдаланиш;

5. Ишлаб чиқаришни технологик дарожасини такомиллаштириш ва бошқалар.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 29 декабр, № 271 (7199).
2. 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 841-сонли қарори. Lex.uz
3. Захаров.Н.С. Эффективность производства и внешнеэкономической деятельности (теория, методы и практика расчетов) Монография -Москва, 2011-612 ст.
4. Морозко Н. И. Оценка эффективности деятельности предприятия Интернет-журнал «НАУКОВЕДЕНИЕ» <http://naukovedenie.ru>
5. Волкова Е.А. и др. // Известия ДВФУ. Экономика и управление. 2017. 12-20 ст.
6. Маҳмудов М. “Худудларда саноатни ривожлантиришда ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш ўйналишлари” (Қашқадарё вилояти мисолида) 08.00.12 – Минтақавий иқтисодиёт Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ Тошкент – 2019.
7. Жалгасова А.С. Ёқилғи-энергетика комплекси корхоналари фаолиятини самарали ривожлантириш 08.00.03 Саноат иқтисодиёт. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ Тошкент – 2018 йил 15-16 бет.